

Истиқлол йилларида кўплаб буюк аждодларимизнинг номлари тикланиб, таваллуд саналари нафакат мамлакатимиз, балки дунё миқёсида кенг нишонланди. Бу яхши айна давом этмоқда. Миллий гуруҳимизнинг янада юксалишида, жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрнини топишимизда буюк бобомиз Амир Темурнинг ўрни бекибс.

9 апрел куни эрта тонгданок пойтахтимиздаги ул зотнинг номи билан аталувчи сулим ҳиббон жамоатчилик вакиллари, зиёлилар, талабалар билан гап-мулоқот бўлди. Тантанали маросим қатнашчилари Сохибқирон хайкали пойига гулчамбарлар кўйдилар.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов, Бош вазир ўринбосари А.Азизхўжаев қатнашди. Шу куни Темурийлар тарихи давлат музейида Амир Темурнинг 668 йиллигига бағишланган «Амир Темур - Фахримиз, гуруҳимиз» мавзуда анжуман бўлиб ўтди. Уни Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ шоири, Ёзувчилар уюшмаси раиси А.Орипов очди.

Анжуманда истиқлолнинг илк йиллариданок Президентининг тарихи Каримов ташаббуси билан Амир Темурнинг жаҳон асосларида тулган ўрнини, фаолиятини ўрганиш ва оммалаштиришга катта аҳамият бериб келинаётгани таъкидланди. Тошкент, Самарқанд ва Шахрисабзда Амир Темур хайкали ўрнатилди. «Амир Темур» ордени таъсис этилиб, Амир Темур халқаро хайрия жамғармаси ташкил қилинди.

Мустақил давлатимизнинг буюк келажақ сари қўётган ҳар бир қадамида миллатимизнинг фахри ва ифтихори Сохибқироннинг руҳи бизга ҳамроҳу ҳамнафас бўлиб келмоқда. Бунинг боиси - ул зотнинг бутун фаолияти миллатнинг бирлиги, юрт озодлиги, мамлакат фаровонлиги учун кураш тисмолига айланганидир. Сохибқирон ўз фаолиятида эзгулик ва яхшиликка, меҳр ва мурувват, тинчлик ва оқсоқиллик ҳамда бунёдкорликка қатъий амал қилган.

(ЎЗА)

# ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2004 йил 10 апрел, шанба № 60 (1693)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## ЎЗБЕКИСТОН-ЛАТВИЯ:

# ҲАМКОРЛИКНИНГ ЁРҚИН УФҚЛАРИ

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов 7-8 апрел кунлари давлат ташрифи билан Латвия Республикасида бўлди

Ўзбекистон ва Латвия муносабатлари ўзаро бир-бирини тушуниш, ҳамкорлик ва бирдамлик асосига қурилган, десак, адашмаймиз.

Латвияда истиқлол йўлидаги илк ҳаракатлар бошланган кезлари Ўзбекистон раҳбари бу ўринишларни кўлаб-қувватлаган эди. Муваффақиятларнинг ўсиши ва ҳарбий доктринасини белгилаганида ҳам Ўзбекистон қатъий равишда унинг тарафидида турди. Зеро, Ислон Каримов кўп бор таъкидлаганидек, ҳар бир мамлакат миллий муҳофаза ва ташқи сиёсат стратегиясини ўзининг миллий манфаатларидан келиб чиққан ҳолда ўзи белгилаши керак.

Латвия яқинда НАТОга қўшилди. Бу жараёни ҳалис кузатган киши Латвия ўз суверенитетини мустақамлаш учун НАТО сафидан жой олганига амин бўлади.

Сиёсий соҳада Ўзбекистон ва Латвиянинг нуктаи назари, қарашлари, халқаро муаммоларга муносабати ва ёндашувлари бир хил ёки яқин. Латвия Президентини Вайра Вике-Фрейбергга хоним таъкидлаганидек, халқларимизни тарихий сиёсатлар ва олдимизда турган вазибаларнинг муштараклиги бир-бирини боғлаб туради.


Ислон Каримов билан тор доирадаги суҳбат чоғида ҳам, кейинчалик бўлган учрашувларда ҳам Латвия Президентини ўз мамлакатининг Ўзбекистон билан ҳамкорлигини янада кенгайтириш истагида эканлигини таъкидлади. Халқларимизнинг тарихи жаҳон савдо йўлларининг тараққийоти билан узвий боғлиқ. Бугун мамлакатларимиз келгуси авлодлар ўтмишидаги қийинчиликларга дўл келмаслиги учун халқаро ташкилотлар доирасида ҳамкорлик қилмоқда, савдонинг ривожлантиришда. Латвия стратегик мақсадлари йўлида қанчалик қатъий ҳаракат қилмасин, ишончли дўст ва ҳамкорларимиз уларга эришиши амри маҳол. Бундай мамлакатлар орасида бизни аввалбошдан кўлаб-қувватлаган Ўзбекистон ҳам бор, деди В.Вике-Фрейбергга.

Латвия билан ҳамкорликни ривожлантиришнинг долзарблиги иқтисодий асосга ҳам эга. Шу йил май ойида мамлакат Европа Иттифоқи Сафидан жой олади. Ислон Каримов таъбири билан айтганда, Латвия дунё халқларининг Европа оиласига қайта қўшилди. Бунинг негизда мамлакат муваффақлигини мустақамлаш ва унинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашувини жадал-

қўшма корхоналарни янада кўпайтириш мумкин. Ўзбекистон билан Латвия ўртасида товарлар ва хизматлар айирбошлаш учун қўлайлик яратиш тартиби жорий қилинган. Бироқ бир-биримизга юқори имтиёзли бозор яратилиши учун ҳали талай ишлар қилиниши керак.

Музокарада бевосита минтақаларо ҳамкорликнинг имкониятларини кенгайтириш масалалари ҳам кўрилди. Тошкент ва Риганинги ўзаро алоқаси расмийлаштирилгани бу йўналишдаги ижобий натижалардан бири бўлди. Сентябрь ойида Рига ишбилармон доираларининг делегацияси Тошкентга келиши қўтилмоқда.

Икки мамлакат ўртасида кимё, озиқ-овқат саноати, машинасозлик маҳсулотлари айирбошланиди. Лекин иқтисодиёт соҳаси мутасаддилар-



Президентимиз самолёти Рига аэропортига қўнганида ер нам, лекин ҳаво очик эди. Яқиндагина ёмғир ёққани сезилиб турарди. Эртаси куни - Мирзо Улугбек хайкали очилган чоғда кўёш қарақлаб турди. Ислон Каримов маросимдаги нуқта мусаффо осмонга ишора қилиб, ёруғ юз ва яхши ният билан келганимизни осмон ва табиат ҳам тасдиқлаб турибди, деди.

Ригада Президентимизга Халқаро мукофотлар жамғармасининг «Муъжизакор Николай» ордени тақдим этилди. ЮНЕСКО ҳамкорлигида Украина, Швеция, Италия томонидан таъсис этилган, турли халқаро ташкилотлар томонидан молиялаштирилган мазкур жамғармага Италия тиббётининг фахрий доктори Константин Бобрищев раҳбарлик қилади. «Муъжизакор Николай» ордени тинчликни мустақамлашда, халқлар фаровонлиги йўлида катта хизмат қўрсатган шахсларга берилди. Шу чоққа ушбу ордени билан Тереза мома, Иоанн Павел II, Кинчи, Кофи Аннан, Гелмут Кол, Леонид Кучма каби танлики арбоблар тақдирланган.

К.Бобрищев ордени топишар экан, Ислон Каримов халқлар дўстлиги ва тинчликни мустақамлаш йўлидаги улкан хизматлари учун жамғарма кенгаши томонидан шу мукофотга сазовор топилигини таъкидлади. У Ўзбекистон раҳбари ўз мамлакатидида 2004 йили Меҳр ва мурувват йили, деб эълон қилгани ибратли воқеа эканлигини алоҳида қайд этди.

Президент Ислон Каримовнинг Латвияга давлат ташрифи истиқболдаги кўлаб хайри ишларга кенг йўл очди. Латвия матбуотида «Президент Каримов дом Латвия мустақилиги тарафлари бўлган», деган ҳужумли қўп учратди. Буларнинг барчаси ўзаро хайрихоҳликдан, ҳамкорликни ҳар томонлама ривожлантиришга қўйишга қўйишдан ва мамлакатимиз раҳбари истиқлолни мустақамлаш борасида қатъий билан юрилтаётган ички сиёсатдан далолатдир.

## Бир Фармон шарофати

### ФЕРМЕРЛАРГА ИМТИЁЗЛИ КРЕДИТЛАР

Президентимизнинг «2004-2006 йиллар фермер хўжалиқини ривожлантириш концепцияси тўғрисида»ги Фармони ижроси бўйича Хоразм вилоятида зарар кўриб ишлаётган, паст рентабелли кишолар хўжалик корхоналарини тугатиб, мулкчиликнинг янги шакллари, деҳқон-фермер хўжалиқлари ташкил этишига катта эътибор берилаяпти. Фермерлик ҳаракати ўзини оқлаганлигини Урганч туманидаги фермер хўжалиқлари мисолида кўриш мумкин.

Бойлиқлар манбаи она ер ҳар бир инсон учун азиз ва муътабар. Бизга ризқ-рўз берувчи табарруқ заминни қадрлаган киши ҳеч қачон кам бўлмайди. Янгибод туманидаги 738 та фермер хўжалиқлари йилни фойда билан якунлади. Боголон қишлоғидан «Сироҳиддин», «Чуболчилик», «Саид дарга» ва Каландармурмон қишлоғидан «Тоғай» фермер хўжалиқлари эришган муваффақиятлар салмоқли. Утган даврда турли манбалар ҳисобидан янги ташкил этилган фермерларга 111 миллион 398 минг сўм кредит ажратилган. А.Шерзонов раҳбарлик қилаётган «Очил ота» фермер хўжалиғига қорва мажмуаси қуриш, мол ва техника сотиб олиш учун 27 миллион 700 минг сўм кредит берилди. Туман бўйича ўтган йил пахта етиштирувчи 338 фермерга 983,6 миллион, галла учун 78 фермерга 17,5 миллион сўмлик имтиёзли кредит ажратилди. 2004 йилининг ўтган даврида эса пахта ҳосили етиштириш билан боғлиқ ҳаракатлари молиялаш учун 404,9 миллион сўм кредит берилди.

Вилоятнинг Хива туманида фермер хўжалиқлари 748 тага етди. Шундан 399 таси деҳқончилик, 87 таси қорва-чилик, 233 таси боғдорчилик билан шуғулланилоти. Фермерлар иштирида 6493 гектар ер бўлиб, бу тумандаги жами экин майдонининг 51 фоизига тўғри келади. Туман деҳқон-фермерлар уюшмаси раиси М.Садуллаевнинг таъкидлашича, «Пана бува», «Нурилла ота», «Ойбек», «Жуманиёз ота Екубов», «Хумо» сингари фермер хўжалиқларида пахтадан 40-50, галладан 50-55 центнердан ҳосил етиштирилди.

Бироқ лоқайдлик ва қаровсизлик натижасида умиддор ерлар ишдан чиқиб қоляпти. Масалан, Пахлавон Махмуд номли ширкат хўжалиғида жойлашган «Мулк Камол» фермер хўжалиғи 7 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 3 центнердан ҳосил олганини қандай изоҳлаш мумкин? «Охун», «Бекжон бува», «Йўлдош» каби фермер хўжалиқларида эса гектаридан 6-7 центнердан хирмон қўтилган, холос. Яна бир ачинарли томони 15 та фермер хўжалиғи турли бахоналарни рўқча қилиб, умуман пахта топишишмаган. Шартнома шартларини бузган тадбиркорлар фаолиятига қўнғунчи баҳо берилди. Фермер хўжалиқларининг қўнғунчи манфаатларини муҳофаза қилиш соҳасида бир мунча ишлар қилинди. Вилоят ва туман вакиллари ҳузурида ташкил этилган «Хўқўқий маслаҳатхона» тадбиркорларга амалий ёрдам қўрсатапти. Марказ аралашуви билан ташкил этилган 9,5 миллион сўм ундириб берилди. Хўқўқий-тартибот идоралари аралашуви билан фермерларга келтирилган 7,5 миллион сўм моддий зарар ҳам ундирилди. 60 га яқин фермернинг корхоналар билан тузган контрактация шартномалари уларнинг хўқўқий манфаатларини ҳимоя қилувчи бандлар киритилди.

Ақциядорлик тижорат «Пахта банк»нинг вилот баҳармасидан маълум қилишларича, Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирилиши маблағ билан таъминлаш механизмини тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосан йилнинг ўтган чорағида пахтачилик билан шуғулланадиган фермерларга 1 миллиард 208 миллион 826 минг сўм, галла етиштирувчиларга 18 миллион 217 минг сўм имтиёзли кредитлар берилган.

ЎЛКИН

## ТЕРРОРЧИЛАР АЛБАТТА ЖАЗОСИНИ ОЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида мамлакатимиз ва чет эл журналистлари учун брифинг бўлиб ўтди. Унда журналистлар март ойининг охириг кунларида Тошкент шаҳри ва Бухоро вилоятида рўй берган террорчилик ҳаракатлари юзасида кўзга тутилган жиноий иш бўйича олиб борилаётган кидирув ишлари билан таништирилди.

Брифингнинг Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Р.Қодиров ўтказди.

Таъкидландики, тезкор кидирув ва тергов гуруҳларининг қатъий ва мувофиқлаштирилган сайё-ҳаракатлари натижасида қисқа муддатда террорчилик ҳаракатларини амалга оширишга дахлдор террорчиларнинг асосий қисми аниқланган ва йўқ қилинган. Мингдан ортик тергов тадбирлари ўтказилган, 700 нафардан ортик гувоҳ ва жабрланган киши сўроқ қилинган. Террорчилик ҳаракатларида дахлдорликда гумон қилинган 54 киши қўлга олинган. Шундан 45 нафарига, уларнинг орасида 15 нафари хотин-қиз, айблов эълон қилиниб, ҳибсага олинган. Қолганларининг ушбу жиноятларга алоқадорлиги текширилмақда, деди бош прокурор.

чи мосламалар қўлбола ҳисобланиб, уй шароитида ёрдамчи материаллардан тайёрланган.

Экспертизалар шуни қўрсатдики, террорчилардан топишган «Калашников» автоматлари, пистолетлар ва бошқа қуроллар, шунингдек, ўқдорилар ишлашига яроқли бўлган. Қуролларни текшириш чоғида аниқландики, жиноятчилар томонидан миллиончилардан тортиб олинган учта пистолетдан ташқари бошқа барча қурол-аслаҳа Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати ва Ички ишлар вазирлиги органлари бўлимидаги ҳисобидида қайд этилмаган. Бу қуролларнинг келиб чиқиши ва олинган жойи аниқланмақда.

Текширув чоғида маълум бўлдики, 2000 йилдан бошлаб Тошкент шаҳри, Бухоро ва Тошкент вилоятларида террорчиликнинг хавфи диний экстремистик турига киритиш мумкин бўлган бир қанча «жамоат» гуруҳлари ҳаракат қилган. «Жамоат» аъзоларига ўзла-

Хўқўқий муҳофаза қилиш органлари томонидан муқаддам диний-экстремистик оқимлар билан алоқадор бўлганлиги туфайли профилактик ҳисобда турган шахсларнинг ушбу террорчилик ҳаракатларида алоқадорлигини аниқлаш бўйича ишлар давом эттирилмоқда. Ушбу асосларга қўра, икки ишлар органларида 412 киши олиб келинган. Улардан террорчилик ҳаракатларида дахлдорликда гумон қилинган 9 киши қўлга олинган, қолганлари жиноятларга алоқадорлиги тасдиқланмагани сабабли уйлари қўйиб юборилган. Ушбу иш бўйича тергов давом этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти раҳбарлиғидаги Хўқўқий комиссияси ва жойлардаги комиссиялар томонидан вазиати янада барқарорлаштириш мақсадида бундай террорчилик ҳаракатларининг олдини олиш ҳамда аҳоли ўртасида хўшроқлини оширишга қаратилган қатъий профилактика чора-тадбирлари қўрилмоқда.

(ЎЗА)

## Таажжуб!

### БЕЧОРАҲОЛ СТАДИОН

Гуртпа Мингбулоқ туманининг қадимий кишлоқларида. Кексаларнинг ҳиқоя қилишларича, Марказий Фарғона чўллариини ўзлаштириш шу ердан бошланган экан. Муваффақийли йилларида ҳудудда ажойиб ўзгаришлар рўй берди. Бунёдкорлик ишлари жонлантирилиб, қишлоқлар чирой очди. Эндиликда Марғилон-Наманган автомобиль йўли худди шу кишлоқни кесиб ўтади. Бу ернинг қишлоқлари, айниқса, ёшлар хунарга, деҳқончиликка ва албатта спортга жуда ихлосманд. Бироқ «Наманган» ширкат хўжалиғида истиқомат қилувчи фарзандларнинг маънавияти паст. Сабобини суриштиришимизда улар катта умид боғлаган бошқарув идораси ёнидаги катта стадион ачинарли бир ҳолатда экан. Автобусда манзил томон борарканми, бир вақтдагидек кураш, футбол ва бошқа спорт турлари бўйича қизиқарли мусобақалар ўтказилаётгани, дея ёнимиздаги отахонга юзландик. Бизнинг ерларда анчадан бунён бўлмаган кўринмасиз ука, - фикрини ифодалади нуруний. - Бир вақтлар одам аримайдиган, қизқарли учрашувлар, тадбирлар амалга оширилган ўйингоҳ энди ҳувиллаб ётибди. Сабобини мутасадди раҳбарлардан сўрасангиз турли бахонани рўқча қилишадди. Тушунмайман, ахир стадионни хашар йўли билан ҳам яхшилаб таъмирдан чиқарса бўладику. Кўпнинг бошини қовуштириб, хайри ишга қўй урилса бас, йигит-қизларнинг ўзи бугунги қойил қилишадди. Афсус, гапдан амалий ишга ўтиш қийин бўляпти. Ўйингоҳда бўлганимизда бағоят хайратландик. Бинолар нураган, эшик-даразалар синдириб олиб кетилган. Майдонни ўр босиб кетган. Уриндиклар айқаш-уйқаш бўлиб ётибди. Хўжалик ишлари билан суҳбатимиз мобайнида маълум бўлдики, бир вақтлар жомоанинги ажойиб футбол командаси бўлган. Нуфузли мусобақаларда улар ҳаминча фахрли ўринларни эгаллашган. Ўзбекистоннинг давлат туппа-тузуқ жамоа таркаб кетибди. Таажжуб, республикамизда жисмоний тарбия ва спортга катта эътибор берилмаётган бир пайтда мазкур хўжалик раҳбарлари нима сабабдан мумкин ишга панжа орасидан қарашмоқда?

О.ЖУМАНАЗАРОВ, «Ишонч» мухбири



**Хўжайлида САВДО МАРКАЗИ**

Хўжайли тумани марказида «Файз маркет» савдо маркази иш бошлади. Кундалик эҳтиёж моллари, электрон техника воситалари, спорт анжомлари, уй-рўзгор буюмлари сотиладиган савдо маркази харидорлар билан гажум. Савдо марказининг очилишида «Ил-Сервис» кичик корхонасининг ҳиссаси катта бўлди. Савдо марказида харидорлар учун барча қулайликлар яратилди, дейди кичик корхона раҳбари Илхом Файзуллаев. Таъмирталаб иморат капитал реконструкция қилинган, ана шундай имкониятлар юзга келди. (УЗА)

Поп туманида пахта ипи ва трикотаж мато ишлаб чиқаришга ихтисослашган янги қўшма корхона—«Исковуттекс» ишга туширилганига ҳали кўп вақт ўтгани йўқ. Мазкур корхона Исковут қишлоғида собиқ нотўқима материаллари фабрикаси негизда барпо этилди.

Корхона таъсисчилари—«Узбекенгилсаноат» давлат акционерлик компанияси, Туркия ва Швейцариянинг қатор йирик саноат фирмаларидир. Корхонанинг лойиҳа қуввати беш ярим минг тоннадан зиёд пахта толасини ишлаб чиқариш имконини беради.

Этиборли томони, бу ерда юз фоиз маҳаллий хомашёга асосланган ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Корхонада умумий қиймати 1,3 миллион АҚШ долларидан ортиқ бўлган юқори қувватли хориж ускуналари ўрна- тилди. Янги техника Гер-



мания «Гезельшафт Берлен» банкнинг кредит линияси бўйича харид қилинган. «Исковуттекс» қўшма корхонасининг барча ишлаб чиқариш қувватлари ишга тушгандан сўнг 400

га яқин киши доимий иш билан таъминланади. Суратларда: корхонада иш қизгин; илгор ишчи Мақсадхон Эгамбердиева.

**М.ҚОДИРОВ** (УЗА) олган суратлар

**ВРАЧЛИК ПУНКТИ**

«Саломатлик-2» дастури асосида Бухоро туманидаги О.Убайдов номидаги ширкат хўжалигининг Навметан қишлоғида врачлик пункти очилди.

Жорий йилнинг бошида хўжаликнинг маъмурий биноси қишлоқ врачлик пункти ихтиёрига берилган. Бино ширкат хўжалиги маблағлари ҳисобига «2-Бухоро-қишлоққурилиш» трестининг Исмоил Боёқонов бошчилигидаги бригадаси қурувчилари томонидан таъмирланди. Врачлик пункти замонавий тиббиёт ускуналари билан жиҳозланди.

Мудира Солиҳа Фатхуллаеванинг таъкидлашича, қишлоқ врачлик пункти дастлабки беморларни қабул қилмоқда. «Туркистон-пресс»

**Ислоҳот мевалари**

**«ИШОНЧ» ЭКСПОРТ ҚИЛАДИ**

Фурқат туманидаги «Ишонч» ҳиссадорлик жамиятида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар жаҳон бозорида шўхрат қозонмоқда.

Юртимиз енгил саноати тармоғида ўзига хос ўринга эга бўлган корхона ташқи бозор билан алоқа боғлаганига кўп вақт бўлгани йўқ. Мамлакатимиз мустақиллигининг 12 йиллик байрами бўсағасида қайта жиҳозланиб, фойдаланишга топширилган ишлаб чиқариш тармоғида тайёрланган маҳсулотлар Америка, Корея, Туркия, Россия, Латвия, Литва, Хитой мамлакатларида ўз харидорларини топди.

Умумий қиймати 6,7 миллион АҚШ доллари миқдорига сармоа жалб этилган корхонага Германиянинг «Тричшерл» фирмасининг замонавий ишлаб чиқариш дастгоҳлари олиб келиб ўрнатилди. Наҳақда ишлаб чиқариш қуввати 4-5 хиссага ошди. Айни кунда бу ерда тайёрланган маҳсулотларнинг саксон фоизи четга экспорт қилинмоқда.

Ўтган йил таҳлилларига назар ташлайдиган бўлсак, қисқа вақт давомида корхонада 2631 тонна калава ип ишлаб чиқарилди. Бу аввалги йилларга таққослаганда 179 фоиз демакдир. Жорий йилнинг дастлабки ойда эса 348 тонна халқаро андозлардаги маҳсулот тайёрланди. Албатта, буларнинг барчаси дунё бозоридида «Ишонч»нинг обрў-этибори ортиб бораётганини кўрсатади.

Этиборли томони, корхонада 150 нафар қишлоқ ёшлари учун янги иш ўринлари яратилди. Айни кунда бу ерда 826 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилмоқда. Ҳар йили маош 45-50 минг сўмни ташкил қилади. Корхона иш фаолияти билан танишар эканмиз, замонавий асбоб-ускуналарни маҳорат билан бошқараётган қишлоқ ёшларини кўриб ҳавасимиз келди. Улар нигоҳида самарали меҳнатидан мамнуллиги уфуриб турибди.

Корхонада меҳнат қилаётган ишчиларга унумли меҳнат қилиш ва дам олиш билан боғлиқ бўлган барча шароитлар яратиб берилган. Кенг ва ёруғ хоналар, хар томонлама мукамал ва қулай бўлган ишлаб чиқариш дастгоҳларида меҳнат қилишнинг ўзига хос фаизи бор. Қолаверса, қилган меҳнат са-

масарини кўрган киши чарчаш нималигини билмайди. Ойлик маош ва бошқа ижтимоий тўловларни ўз вақтида бериб бормоқда.

Тумандаги ягона саноат тармоғи ҳисобланган корхонада ишлаб чиқариш суръатини ривожлантириш, янги иш ўринлари ташкил қилиш учун қайта жиҳозлаш ишларининг иккинчи навбати бошланиб кетди. Айни кунда корхона ишлаб топган даромадлари ҳисобидан 585 миллион сўмлик йиғирув дастгоҳлари олиб келиниб, ишга тушириш борасида хитойликлар билан ҳамкорлик қилинмоқда. Янги қувватларнинг ишга тушиши натижасида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми яна 40 фоизга ўсди. Саксон нафарга яқин ёшлар иш билан таъминланди.

Даромадларимизнинг асосий қисминини ишчи-хизматчилар ижтимоий муҳофазаси ва манфаатдорлигини оширишга сарфляймиз. Ўтган вақт давомида 23 нафар ишчи-ходимлар сикатгоҳларда дам олиб қайтишди. Ишчиларни бепул тушлик билан таъминлаш ва боғча ёшидаги фарзандларнинг тарбияси учун 39 миллион 558 минг сўм маблағ сарфланди. Ишчилар соғлиқларини сақлаш, ишга олиб келиб-кейтиш, моддий рағбатлантириш ҳамда байрам тадбирлари учун керакли маблағлар ажратилиш, совғалар улаштиш ҳам корхона ҳисобидан амалга оширилади. Кам таъминланган оилаларга 3 миллион 476 минг сўм моддий ёрдам кўрсатилди. Меҳр ва мурувват йилида бу борадаги иш қўламлигини янада кенгайтираемиз. Айни кунда тумандаги 25-умумтаълим мактабининг 5 та синфхонасини тўлиқ таъмирлаш ҳамда республикада болалар спортини ривожлантириш жамғармаси туман, вилоят бўлимига маблағ ажратди.

Корхонамизда амалга оширилаётган ишлар бу билан чекланиб қолмайди. Бу ерда сифатли маҳсулот ҳажминини ошириш билан бирга, унинг турларини кўпайтириш борасида ҳам истиқболли дастурлар амалга оширилмоқда. Келаси йилда корхонада 6 хилдаги юқори сифатли иплар тайёрлашга киришилади. Бу мамлакатимиз тикуччилик тармоқларида бежирим қуйлақлар тайёрлаш имкониятини беради.

**Мухаррамхон Жўраева,** «Ишонч» ҳиссадорлик жамияти иш ҳақи ва меҳнатни ташкил қилиш бўлими мутахассиси

**МИЖОЗЛАР СЕНИ ОРТМОҚДА**

Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 19 майдаги «Тижорат банкларидаги кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантиришга қўшилган рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги қарорига мувофиқ «Савдогар-банкнинг Наманган вилояти бўлимида ибратли ишлар амалга оширилмоқда.

«Банкмиз ўз маблағлари ҳисобидан банк фойдасининг 15 фоизи миқдоридида имтиёзли кредит жамғармаси яратди. Шу боис миқозларимиз сони ортиб бормоқда. Хозирги кунда банкмиз 1327 та миқозга намунали хизмат кўрсатмоқда. Шундан савдо ва умумий оватланиш корхоналари 86 та, кичик ва ўрта бизнес субъектлари 899 та, хусусий тадбиркорлик билан фаолият юритувчилар 470 тани ташкил этади, - дейди

банк бошқаруви раиси Собиржон Файзиев. Банк ажратаётган кредитларнинг 25 фоизи кичик ва ўрта бизнесга, 39 фоизи айланма маблағ учун ва 36 фоизи фермер хўжаликларини ривожлантиришга йўналтирилган. Қўшимча ажратилаётган маблағ тадбиркорларга қорамол етиштириш ва ишлаб чиқариш мақсадлари учун берилган.

**Х. ҚОДИРОВ,** «Ишонч» муҳбири



Аҳолининг кам таъминланган қатламни ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида «Ишонч»нинг «Боложон» қўшма корхонаси ташкил қилинган. Шундан 2004 йил арасида Янгиқўрган туманидаги Навкент қишлоғида «Боложон» қўшма корхонаси ишга туширилди. Қўшма корхонада ишлаб чиқариш маркази иш бошлаганини чинакам ғамхўрлик намунаси дейиш мумкин. Халқаро болалар жамғармаси ЮНИСЕФ хомийлигида ҳамда Наманган вилоят «Болалар жамғармаси» қошида ташкил этилган ушбу

**2004 йил-Меҳр ва мурувват йили**

**ЁЛГИЗ КЕКСАЛАРГА ҲОМИЙЛАР МАДАДИ**

Меҳр, оқибат барқарор бўлган юрда фуқаролар азият чекишмайди. Ёрдамга муҳтожлар, кексалар, ногиронлар эл ардоғида, меҳр оғушида бўлади. Бу фазилатлар одамийликка хосдир. Амалдаги йил «Меҳр ва мурувват йили» дея эълон қилиниши ва бу борада давлат дастурининг қабул қилиниши эса аниқ режа асосида мақсадли ёрдам кўрсатиш самарадорлиги ошишини таъминламоқда.

Шу боис меҳр-шафқатга, эътиборга муҳтож кишиларга амалий мадад кўрсатиш, улар мушкулчилик энгиллатишга кенг жамоатчилик эътиборини қаратаймиз. Туманимизда 382 нафар ногиронлар истиқомат қилишлари. 223 нафар фуқаро болалиқдан, 159 нафари эса турли хасталиқлар ва

бахтсиз ходисаларга учраб саломатликларидан айрилган фуқаролардир. Уларнинг барчасига ҳомиёлар белгиланган. Ногиронлар ҳолидан хабар олиш, моддий ва маънавий кўмак кўрсатиш юмушлари қатъий йўлга қўйилган. Шунингдек, ногиронларнинг ҳовли-жойларини тартибга келтириш, уйлари таъмирлаш, тузатиш ишларига маҳалла кўмиталари, қишлоқ оқсоқоллари бош-қош бўлишяпти.

Ногиронларни ижтимоий ҳимоялаш, уларнинг саломатликларини мустаҳкамлаш борасида ҳам бир мунча ишлар амалга оширилди. Хусусан, ногиронларга махсус аравача, қўлтиқ таёқ, протез-ортопедия махсулотлари етказиб берилди. Яқка-ёлғиз қолган қаришлар бепул дори-дармон, озиқ-овқат махсулотлари билан мунтазам таъминлаб ке-

линяпти. Уруш ногиронлари пенсияга қўшимча таразда тоvon пули тўлаш ташкил этилган.

Ўзим икки нафар ёлғиз кексаларни қарамоғимга олганман. «Боғистон» қўргонида яшовчи кекса нафақахўр Мария Сусланова ҳамда меҳнат ногирони Анорхон Исроиловага турли юмушларда қарашиб тураман. Дам олиш кунлари бу кексалар кўнглини олиш пайида бўлган. Гапнинг очиги, бу юмушнинг ҳеч бир оғирлиги йўқ. Аксинча кўнглим енгил тортади. Савобли ишдан четда эмаслигимдан, одамларга манфаатим тегаётганидан таскин топаман.

Хулоса қилиб айтганда, бўлими- миз барча ходимлари ўз юмушларидан ташқари ана шундай кексаларга кўмаклашишни зиммаларига олишган. Савоб ишга ҳар доим вақт топса бўлади. Фақат кунт, ҳафсала, меҳр бўлса бас.

**Усмонул ҚАРШИБОВ,** Мирзобод туман ижтимоий таъминот бўлими етакчи маслаҳатчиси

**Эл ардоқлаган кишилар**

**ҚИЗИЛҚУМ ҲАЗИНАТОПАРЛАРИ**

Ҳазинатопар деганда кўз ўнгимизда ер қарийдан турли нодир бойликларни топиб, саноатимиз ривожига ўзларнинг машаққатли меҳнатлари билан ҳисса қўшиб келаётган, эгнига махсус коржомга олиб олган захматқаш, хоргин юзларига ўз меҳнатидан, касбидан масрурлик туйғулари шундоққина сезилиб турган кишилар намоён бўлади. Ҳуқуматимиз уларнинг меҳнатини ниҳоятда қадрлайди. Негаки, геологлар меҳнати нозик. У кишидан синчковликни, ўта сезгирликни талаб қилади. Улар ниҳоятда кийин табиий шароитларда ишлаб, масъулиятли ишни бажарадилар.

Саноатнинг тўхтовсиз ривожланиши турли минерал хом-ашёларни кўп миқдорда қазиб чиқариш талаб этади. Ҳазинатопарлар олдида қийинган вазифа кон қидириш, уни батафсил ўрганиш ва кончиларга қазиб олиш учун топширидан иборат. Кон қидирувчиларимиз бундай вазифаларни бажара бориб, улкан уютларга эришмоқдалар.

Ҳар йили баҳорнинг биринчи кунинда дала геология қидирув ишлари масуми бошланиши нишонланади. Шу кун байрамона кайфиятда мавсум ишларига оқ фотиҳа берилди. Биз яқинда Қизилқум дала геология қидирув экспедициясида бўлиб унинг бошлиғи Тўйчи Шаймуратов билан учрашдик.

Яқин кунда, яъни Наврўз кенг нишонлана-

Экспедициямиз таркибида эса 630 нафар киши бор. Электр таъминоти, йўл қўриқлаш бўлими, мактаб, КВП ва болалар боғчасида 100 нафардан ортиқ киши ишлаяпти. Жамоамиз аҳил, кўп миллатли. Геология қидирув ишлари ҳажми йилдан йилга ошиб, янги конларни ҳамда уларнинг захираларини топмоқдамиз. Бу борада қўвонarli ишлар амалга оширилмоқда. Ўтган йили жамоамиз 7 та нодир металллар ва 1 та нометалл фойдали қазилма лойиҳаси бўйича изланишлар ва қидирув ишлари олиб борди. Қидирув ишларимиз асосан Мурунот олтин кони атрофида, янги истиқболли Томдибуюк-Балпантов ва Аристантов маъданли майдонларида амалга оширилди.

Мана жорий йилга белгилаган режимидаги ишларни ҳам бошлаб юбордик. Бургулаш, оғир тоғоти қазиб ишлари шулар жумласидандир. Бундай катта ҳажмдаги ишларни сифатли удалашда бош геологлардан В.Воронцов, М.Комилов, Ж.Наврўзов, Б.Сирожов, А.Хамроёвнинг хизматларини алоҳида таъкидлаш лозим. Фосфорит, туз, кум, гранит конларимиз ҳам мавжуд.

Қидирув ишларини пармалаш ускуналарида олиб боряпти, - дея суҳ-

**Абдумутал НОРБОВЕВ**

**ЖОНАДОНДАГИ ЯШИРИН ЦЕХ**

Қашқадарь иқтисодий ва ижтимоий ҳаёти ривожланиб бораётган, салохиятга эга вилоятлардан ҳисобланади. Воҳода минглаб корхона ва ташкилотлар, тадбиркорлик билан шугулланаётган юридик ва жисмоний субъектлар фаолият кўрсатаёпти. Улар вилоят, қолаверса, мамлакат иқтисодини ривожлантиришда ўз хиссаларини қўшиб қолмоқда. Лекин гурӯҳ курмаксиз бўлмаганидек, айрим субъектлар томонидан солиқ ва валютага оид жиноятлар содир этиляпти.

Вилоят прокуратураси ҳузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши кураш бўлими ҳамда куқбузарларга нисбатан 9 миллион 421,6 минг сўм миқдоридида маъмурий жарималар қўлланилди ва тўлиқ ундирилди. Ноконуний иш - келтирар ташвиш, дейдилар. Олиб борилган тадбирлардан 66 ҳолатда яширин равишда махсулотлар ишлаб чиқариш ҳоллари аниқланди. 19

та жиноят, 47 та маъмурий ишлар кўзгатилади. Хуқуқзарлардан 7 миллион 223,8 минг сўмлик товар-моддий бойликлар ва асбоб-ускуналар далилий ашё сифатида олиб қўйилди. Яқкабоғ тумани прокуратураси ҳузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши кураш бўлими ҳамда ички ишлар ходимлари ҳамкорликда ўтказган рейдлар давомида Алишер Навоий кўчаси 17-уйда яшовчи фуқаро Музаффар Жўраев ўз хонадонидида яширин цех очиб, қонунга хилоф равишда спиртли ичимликлар ишлаб чиқараётганлиги аниқланди. Шу йилнинг январ ойида ўтказилган текши-

ришда Қарши туманида яшовчи Р.Х. уйдаида ноконуний қалиш цехи очиб, қўлбола махсулотларига сохта савдо белгилари қўйилгани маълум бўлди. Фуқаро Фахриддин Тўхтаевнинг бошқарувида бўлган «Москвич-412» русумли, 18 А 96-22 давлат рақамли автоташна Музаффар Жўраевнинг уйдан чиқишида тўхтаиб қўздан кечирилганда, қўлбола усулда тайёрланган, ярим литр сигмидаги идишларда 680 дон қалбаки акциз марказлар ёпиштирилган «Ўзбекистон портейни» топилади. «Сохта тадбиркор»нинг хонадон текширувигидан эса 130 дон бурма, 62 дон мах-

**«Ишонч» фош этади**

ашё сифатида олиб қўйилди. Суд ҳукмига асосан фуқаро жиноятига яраша жазоланди.

Валюта операцияларининг ноконуний ўтказилиши бўйича 25 та қонунбузилиш ҳолатлари аниқланиб, 21 та жиноий ва 4 та маъмурий ишлар қўзғатилди. Тегишли тартибни бузган кишилардан 20 минг 302 АҚШ доллари, 8 минг 960 Россия рубли, 336,0 минг сўм нақд пуллар олиб қўйилди.

Қарши шаҳрида яшовчи Жаҳонгир Муқимов ва Шўхрат Халиловлар «Пахтазор» митти туманида жойлашган «Шохрух» савдо дўконидида валюта қимматликларини олди- соттиси билан шугулланиб келишган. Текширишда Шўхрат Халилов савдо дўко-

**И. ИСОМДИНОВ**



Бойчечак

Махбуба Кодирова Бухоронинг Жилвон чўлларида тугаш Тезгузар киши...



ВАШАН

Ватан бу - кўшга дугона онам, Тунларни уйғотиб аллалар айтган...

Дарвозам зулфини жаранги - Ватан, Бешикда улғайган умид эрур у...

Умидим қароғи ўзинган билдим, Боболардан мерос яроғим сенсан...

Ватан, юрагимда ўсган дарахтсан, Ҳар томири бобом руҳи покига туташ...

Ҳар тошингдан тарих - уқдим бир маъно, Отамдаини севиб, севиб кифтингда тутдинг...

Ҳур Ватаним - Ўзбекистон, онажон, Кўшдаини саховатли, кўшдайд эрур...

МУҲАЙЁ, СУРАЙЁ, РАҲНО,

МУҚАДДАС

Эр очик кўнгли, содда йилги. Кўпична у ўзича кўшиқ хиргойи қилиб юради...

ЖОНИГА ТЎЗИМ БЕРСИН

Дўстлар йул-йўлакай Салимининг уйига кириб ўтмоқчи бўлишди-ю, яна жанжалнинг устидан чиқиди...

Ҳаётини ҳангомалар

Орадан йиллар ўтиб, қизлари ўсиб-улғайишди. Оилада яна олдинма-кетин иккита қиз туғилди...

Хотини унинг гапини икки қилишга юраги бетламас, фарзандалари эса қўқан қўзқирек бир четда туришар эди...

Абдулла САИДОВ



Ним табассум

Қаерда эдинг? - деб сўради хотин тонгга яқин келган эрдан. Маошдан кейин жиндай ресторанда ўтирдик...

Бу ерда, қишлоқда, - деб ҳикоя қилди фермер чорбоғчиларга, - одамларни эрталаб хўроз уйғотади...

Ресторанлардан бирининг официанти шеригидан сўради: - Нега анави гўрсўхтани ҳайдаб солмаяпсан?

Қўриб турибман, тўрт марта уйғотдинг уни. У эса ҳар гал уйғониб, яна ухлаб қоляпти. - Ҳайдаб нима қиламан...

Чорбоғда дам олаётган аёл жайра билан уришиб, оёғи лат еган итини ветеринарга кўрсатди.

Неча пул тўлайман? - деб сўради аёл муолажа тугагач. - Уч минг сўм. - Қанча! Инсоф борми? Ёзи билан шўрнинг кургур чорбоғчиларни шилиб оласизлар...

Хўш, йигирма тўрт кун давомида, ҳар қалай, ошхонада бизга нима беришди, чойми, кофеми? - Сиз таъмига қараб фарқига бормадингизми?

Йўқ. - Унда сизга нима фарқи бор?

«Афина-2004»

ОЛИМП МАШЪАЛАСИ дунё кезмоқда

Олимпиада ўйинлари халқаро миқёсда ўтказиладиган спорт мусобақаларининг энг нуфузлиси саналади...

Маълумки, шу йилнинг 13-26 август кунлари Афинада XXVIII ёзи олимпиада ўйинлари бўлиб ўтади...

Мусобақани кўнгилдагидек ўтказиш учун ташкилотчилар томонидан тайёргарлик ишларига катта эътибор қаратилмоқда...

затува бўлади. Мусобақа пайтида эса спортчилар ҳамда томошабинлар хавфсизлигини таъминлаш учун...

Дарвоқе, олимпиада ўйинларининг тимсоли бўлган машъала 25 март кўни Грецияда ёқилди. Энди у 78 кун мобайнида дунё кезади...

К.АБДУЛЛАЕВ

Ўзингизни синаб кўринг!

- 1. Футболдан бир йилга четлатилган Россия терма жамоаси аъзоси? А) Александр Моставой...

ФУТБОЛ-ТЕСТ

- 3. «Италия -1990» жаҳон чемпионати финалида ўйнаган терма жамоалари? А) Аргентина - Германия...

ибораси қайси терма жамоага нисбатан ишлатилган?

- А) Испания В) Белгия С) Франция Д) Италия



Олмалиқ шаҳридаги 5-ўрта умумтаълим мактабида айни чоғда 952 нафар ўқувчи таълим-тарбия оляпти...

ЮСУФ ХОС ҲОЖИБ ДЕЙДИКИ...

Кишиларнинг эзгусини ўзинга яқин тут, ярамаслардан узок тур, сенга эиёни тегади...

ЯНА ЭЛЛИК ЙИЛДАН СЎНГ...

АҚШдаги аҳолини рўйхатга олиш бюроси жаҳондаги демографик ўзгаришларга бағишлаган ҳисоботини эълон қилди...

Тахрир хайъати:

Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова...

Сайёра аҳолиси

ОИТС касаллигининг дунё бўйлаб кенг тарқалиши инсоният олдига катта муаммоларни келтириб чиқармоқда...

СКАНВОРД

Scrabble board with words and numbers. Includes words like 'Бойлик', 'Мусика асар', 'Кўзгу', 'Қабила', 'Пайт', 'Иш ҳақи', 'Ой', 'Уқтар жой', 'Миср об-даси', 'Пушта', 'Минора соат', 'Дарахт', 'Қаттиқ дарахт', 'Аёл исми', 'Боке май-дон', 'Ма-софа', 'Нарх', 'Авто қисм', 'Давр', 'Ша-ка ватани', 'Уй хай-воши', 'Опера қисми', 'Спорт уйини', '«Қўл»', 'Кўча', 'Мато', 'Ичим-лик', 'Ету-лик', 'Цирк сал-ати', 'Олис давр', 'Дала', 'Тўлик эмас', '7', '4', '3', '1', '2', '6', '5'.

КАЛИТ СЎЗ 7 4 3 1 2 6 5 Тузувчи: Ф.ОРИПОВ

Бу турфа олам ҚУШЛАР ДУШМАНИ

Овчилар, ҳар хил йиртқишлар, турли касалиқлар, кучли бўрон сингари табиат офатлари, самолётлар билан тўқнашиш каби қатор хавф-хатарлар туфайли қўлгина қушлар, айниқса, нодир қушлар кўп нобуд бўлади...

ОНА ТИЛИСИ ҚОЛИБ

Одам туғилганидан сўнг она тилида гапирмай, ўзга тилда сўзлашса, қизиқ бўлар экан. Американинг Сидар-Рапидс шаҳрида яшовчи Дейв ва Элла Камменгслар оиласида фарзанд Чарлз туғилди...

ISHONCH МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ Тахрир хайъати: Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева...

ТЕЛЕФОНЛАР: Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама ва эълонлар бўлими (3712) 56-85-79.

Мақсумий: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134